

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеърлятида лирик хронотопнинг ривожы	77
Г.Орипова	
Мустақиллик давры ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоды анъаналары ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорыда доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлары.....	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликларыро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласыга оид мулоҳазалар	96
М.Абдупаттоев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисасы ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашуров	
“Алпомиш” достоныда қўлланылган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлары	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусыда	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланын қисқа ёзуви устыда ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланыш уй-жой муаммосыни ҳал қилиш шаклларыдан бири сифатыда	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фаргона-Тошкент мақом йўналышынын фалсафий масаласыга доир.....	118
С.Содиқов	
Фуқаролик жамиятыга доир мумтоз назарияларнын ривожланышы	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланыш.....	123
Н.Маҳмудова	
Исломий қоидаларнын бадий талқини.....	126
Ж.Дилмуродов	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарыни инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолары	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианты грамматикасыннинг айрим хусусиятлары	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллары.....	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнын мазмун-моҳияты.....	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётыда рамзий маъно ҳамда унын хусусиятлары.....	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фаныни ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланышнын аҳамияты	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимасы хусусыда.....	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидоий олим	148
--------------------------	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

БИБЛИОГРАФИЯ	150
---------------------------	-----

КОНГРУЭНТЛИК ҲОДИСАСИ ВА УНИНГ КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКАДАГИ ЎРНИ

М.Абдупаттоев, С.Зокирова

Аннотация

Мақолада контрастив лингвистикага хос бўлган конгруэнтлик ҳодисаси тадқиқ этилган ҳақида конгруэнтликнинг шаклий даражаси ва улардаги семантик фарқлинишлар кўрсатиб ўтилган.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы конгруэнтности, относящиеся к контрастивной лингвистике. Показаны формальные степени конгруэнтности и их семантические различия.

Annotation


This article discusses congruence issues related to contrastive linguistics. The formal degrees of congruence and their semantic differences are shown.

Таянч сўз ва иборалар: ономасиологик йўналиш, семасиологик йўналиш, қиёсланаётган биринчи тил, қиёсланаётган иккинчи тил, контрастив номама, семема.

Ключевые слова и выражения: ономасиологическое направление, семасиологическое направление, сравниваемый первый язык, сравниваемый второй язык, контрастивная номама, семема.

Key words and expressions: onomasiological direction, semasiological direction, compared first language, compared second language, contrastive nomema, semema.

Тилларни ўзаро қиёслаш ёки чоғиштириш учун улардаги бирликларнинг шакл ёки мазмунидаги мавжуд белгилар асос қилиб олинади. Шу асосда қиёсланаётган тил бирликларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланади. Контрастив лингвистика доирасидаги таҳлилнинг асосий йўналишлари анъанавий тадқиқотнинг шартланган йўналишларига тўғри келади. Булардан бири тил шаклидан мазмунга қараб йўналтирилган ҳаракат бўлиб, ономасиологик йўналишда деса бўлади.



Чизмада кўрсатилган L_1 (first language) – қиёсланаётган биринчи тил, L_2 (second language) – қиёсланаётган иккинчи тил, CN – контрастив номама, S – семема.

Жадвалга ўзбек ва тожик тилларида конгруэнт бўлган *ғарам* лексемасини киргизадиган бўлсак, ҳар икки тилда ҳам бу лексема биргина *'тўпланган уюм (беда, пичанга нисбаттан)'* семемасига эга. Бироқ айнан шу тиллардаги *арз* лексемаси ўзбек тилида 2 та семемага (*'дард-ҳасрат, шикоят тарзидаги (асосан оғзаки) гап, мурожаат'* ва *'ер шари ёки унинг бир қисми'*) эга бўлса, тожик тилида эса 4 та семемага (*'ер, тупроқ', 'мурожаат, талаб, шикоят', 'экватордан шимол ва жанубга қараб меридиан бўйлаб даражаланиш', 'асосий муомалада бўлган пул'*) эга.

Тил шаклидан мазмунга қараб контраст ҳолатда ўрганилар экан, тилларнинг семантик эквивалентлиги ва, аксинча, маъно ҳажми ва функционал вазифасидаги тафовутларини аниқлаш мақсадида турли тилларнинг лексик бирликлари ва грамматик шакллари қиёсланади. Конгруэнтлик тушунчаси шу билан боғлиқ ҳодисадир.

Конгруэнтлик (лотин. *congruens* – мувофиқ, тўғри келадиган) ҳодисасида тил бирликларининг шаклий мувофиқлигидир [1,88]. Бу ҳодиса тилнинг турли сатҳларида кузатилиши мумкин. Масалан, фонетик-фонологик сатҳда ўзбек ва тожик тилларидаги *китоб*, араб тилидаги *китабун* сўз шакллари; рус тилидаги *снег*, украин тилидаги *сніг*, белорус тилидаги *снег*, болгар тилидаги *сняг* сўз шакллари ўзаро тўлиқ ёки қисман конгруэнт бўлади. Фонетик-фонологик сатҳдаги конгруэнт сўзлар семантик жиҳатдан фарқлиниши ҳам мумкин. Масалан, зўр сўзи турк тилида «қийин» маъносини англатса, ўзбек тилида «кучли», «мукаммал», «яхши» маъноларида қўлланилади [2]. *Омоч* ҳозирги замон ўзбек адабий тили учун эскирган сўздир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўзга уловга қўшиб ер ҳайдайдиган металл тишли энг оддий ёғоч асбоб, деб изоҳ берилган [4, 124]. Турк тилининг изоҳли луғатида ҳам *аташ* сўзини учратиш мумкин. Бу луғатда *аташ* – етишиш, исталган ният, деб изоҳланган. [5]

Ариза сўзи турк тилида «нуқсон», «бузилиш» маъноларида ишлатилса,

М.Абдупаттоев – ФарДУ, филология фанлари номзоди.
С.Зокирова – ФарДУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

ўзбек тилида бу сўз расмий ёзма илтимос ёки шикоятни англатади.

Ўзбек тилида *эл* сўзи бир жойнинг аҳолиси, халқи маъносида келса, турк тилидаги *e/* сўзи омонимлик хусусиятига эга. Унинг бир маъноси халқни билдирса, яна бири қўлнинг билақдан пастки қисмини англатади*.

Fukara сўзи турк тилига араб тилидан кириб келган. Бу сўз турк тилида ҳам, араб тилида ҳам «йўқсил», «фақир», «заволли», «дарвеш» тушунчаларига эга. *Фуқаро* сўзи ўзбек тилига ҳам араб тилидан кириб келган, бироқ бу сўз ўзбек тилида «бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси» маъносида ишлатилади.


Ҳинди сўзини эшитган ўзбеклар миллатидан, динидан ва тоифасидан қатъий назар Ҳиндистонда қадимдан яшаб келаётган туб аҳолининг номини ёхуд ҳинд тилини тушунади. Лекин турк тилидаги *hindi* сўзи XV асрда Америкадан Европага кириб келган ва ўзлаштирилганда, «гўшти севиб истеъмол қилинадиган парранда (курка)» маъносига эга бўлган.

Даврий матбуотда адабий-публицистик мақолалар билан қатнашувчи адиб, матбуот ходимини англатувчи *журналист* сўзи турк тилида «чақимчи», «айғоқчи» маъноларида ишлатилади.

Köz сўзини эшитган турклар «яхши ёниб, ўт ҳолатидан оташ ҳолатига келган ўтин ёки кўмир парчаси»ни ёхуд «кичкина-кичкина қўр парчалари бўлган кул»ни, «чўғ»ни тушунишса, ўзбек тилида бу сўз «кўриш аъзоси» маъносида қўлланилади.

Peşin сўзи ўзбек тилига ҳам, турк тилига ҳам форс тилидан ўтган бўлиб, маъно жиҳатдан ўзаро фарқланади. Турк тилида «нақд», «олдиндан берилган маош», «олдин», «аввал», «олдиндан тўлаш шарти» каби маъноларни билдирса, ўзбек тилида «куннинг ярми ўтган пайт» ҳамда «шу пайтда ўқиладиган намоз» маъноларини англатади. Тиллар ўртасидаги конгруэнт сўзларнинг бундай фарқланиши оламнинг лисоний манзараси билан боғлиқ бўлиб, уларни фарқлаш контрастив лингвистика учун муҳим материаллар беради.

Фонетик-фонологик белгиларига кўра ўзаро конгруэнт бўлган сўзлар ўз мазмунини сақлаши билан бирга янги маъно касб этишини қуйидагича моделлаштириш мумкин:



Чизмада келтирилган CN – конгруэнт номема, L_1 (first language) – қиёсланаётган биринчи тил, L_2 (second language) – қиёсланаётган иккинчи тил, A – биринчи тилга тааллуқли номема, B – иккинчи тилга тааллуқли номема, \equiv – элементлар айнан мос, \sim – элементлар семантик жиҳатдан бир-бирига яқин, \neq – элементлар тамоман янги маъно касб этган, \leftrightarrow – элементлар зид маънода.

Бундан кўриниб турибдики, бир хил номемадаги ўзаро конгруэнт бўлган сўзлар семантик жиҳатдан турлича муносабатда бўлади.

$A \equiv B$. A тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси B тилда айнан мос ҳолда қўлланилади. Масалан, ўзбек ва араб тилларидаги *итоат* «бўйсунуш», рус ва чех тилларидаги *лес* «ўрмон», форс ва тожик тилларидаги *зўр* «куч, қудрат» ва ҳоказо.

$A \sim B$. A тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси B тилда семантик жиҳатдан бир оз ўзгариш билан қўлланилади. Масалан, *зимистон* ўзбек ва тожик тилларида турли (ўзбек тилида) «қоронғу», (тожик тилида) «қиш» маъноларини англатади, *сабзи* сўзи ўзбек тилида «полиэкиннинг бир тури» бўлса, тожик тилида «кўкатлар» маъносини англатади. Ўзбек ва араб тилларидаги *замон* сўзининг маъноси ўзбек тилида «вақт» – араб тилида «кун» маъносини англатади, *содиқ* сўзи ўзбек тилида «вафодор» – араб тилида «дўст» маъносини англатади. Рус тили ва чех тилида конгруэнт бўлган *зима* сўзи рус тилида «қиш» – чех тилида *zima* «совуқ» маъносини англатади, *добрий* сўзи рус тилида «меҳрибон» – чех тилида *dobry* «яхши», рус тилида *овоци* сўзи «сабзавот» маъносида, чех тилидаги *овоце* сўзи эса «мева» маъносини англатади, рус тилидаги репа «шолғом» маъносини, чех тилидаги *гера* «лавлаги» маъносини англатади;

$A \neq B$. A тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси B тилда тамоман янги маъно касб этади. Масалан, ўзбек ва араб тилларида конгруэнт бўлган *касофат* сўзи ўзбек тилида «бахтсизлик» – араб тилида *касофат* «қуюқлик, зичлик, ғализлик», ўзбек тилидаги *кирдикор* «номаъқул иш» – форс тилидаги *кирдикор* «яратувчи, вужудга келтирувчи (худонинг сифати)» маъноларини англатади. Рус тили ва чех тилида конгруэнт бўлган *горький* сўзи рус тилида «аччиқ» – чех тилида *horky* «иссиқ», рус тилида *мудрый* «донишманд» – чех тилида *modry* «кўк» маъноларини англатади;

ТИЛШУНОСЛИК

А ↔ В. А тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси В тилда сўз маъносининг тамоман акси, яъни антоними бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек ва араб тилларидаги *бидъат* ўзбек тилида «эскидан қолган урф-одат, расм-рўсм» – араб тилидаги *бидъат* «янгилик, янгилик киритиш». Шунингдек, *кунпаякун* ўзбек тилида «бузилиб, янчилиб, йўқ бўлиб кетмоқ» – араб тилида эса «яратилиш». Ё.Одиловнинг кўрсатишича, *дилгир* сўзи форс-тожик тилида «хафа бўлган, ранжиган, дили сиёҳ», «руҳи тушган, ғамгин, қайғули», «ачинарли», «баджаҳл, жаҳли тез, сержаҳл» каби маъноларга эга (ПРСБ56). Бу сўз эски ўзбек тилига ўзлашгандан кейин юқоридагиларга қарама-қарши маъно – «дилни олувчи» маъносига эга бўлган (НАЛ,160). Аслида бу сўз кўшма сўз бўлиб, *гир* таркибий қисми «олувчи, тортувчи» маъносини англатади. Масалан, *бодгир* – «шамол тортадиган туйнук», *миёнгир* – «бел олувчи, беллашувчи», *оромгир* – «ором олувчи» маъноларини англатади (НАЛ,160). Бир тилдан иккинчи тилга сўз ўзлаштирилиши натижасида сўз маъносида зиддият пайдо бўлиши билан бирга, зиддиятнинг бузилиши ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, форс-тожик тилдан ўзлашган *дам-бадам* сўзи шу тилнинг ўзида зид маънолар – «ҳар замон» ва «тез-тез»га эга бўлган (ЎТИЛ, 1, 552). Ўзбек тилига эса «ҳар замон» маъносини йўқотган ҳолда ўзлашган ва маънодаги зиддият бузилган. [3, 39]

Товуш шакли тўғри келмайдиган тил бирликларида конгруэнтлик муаммоси тушунча структураси мувофиқлиги мисолида кўриб чиқилади. Турли тилларда бир хил тушунча структурасига эга бўлган сўзлар ўзаро конгруэнт бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *болалар боғчаси* тожик тилидаги *боғчаи бачагон* – рус тилидаги *детский сад*. Лекин ўзбек тилидаги *ҳисоб-китоб* сўзи, тожик тилидаги *ба ҳисоб гирифтан* ёки рус тилидаги *учет* сўзи билан конгруэнт эмас. Чунки ўзбек тилидаги лексема жуфт сўз ҳисобланса, бу маъно тожик тилида сўз бирикмаси, рус тилидаги сўз содда сўз орқали шакллантирилган. Бу эса тил бирликларининг ўзаро лингвистик белгиларига кўра мувофиқ эмаслигини англатади.

Морфологик сатҳдаги конгруэнтлик ҳақида гапирганда, турли тиллардаги сўзларнинг сон категориясида қўлланилишини мисол қилишимиз мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги *темир* ва рус тилидаги *железо*, тожик тилидаги *оҳан*, ўзбек тилидаги *одамийлик*, рус тилидаги *человечность*, тожик тилидаги *одамгари* сўзлари фақат бирликда қўлланилади.

Ўзбек тилидаги *ёшлар* ва рус тилидаги *молодёжь* сўзлари ҳам ўзаро конгруэнт ҳисобланмайди. Бунга шаклларнинг айнан сон категориясида мос эмаслиги сабаб бўлади. Бу сўз ўзбек тилида доимо кўпликда қўлланилгани ҳолда рус тилида доимо бирлик шаклда қўлланилади. Ўзбек тилидаги *шим*, *кўзойнак* сўзлари ҳам бирликда, ҳам кўпликда қўлланилса, рус тилидаги *брюки*, *очки* сўзлари доимо кўпликда ишлатилади. Тожик тилида ҳам мазкур сўзлар худди ўзбек тилидаги каби бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланилиши кузатилади.

Синтактик сатҳда қуйидаги гаплар конгруэнт бўлади. Ўзбек тилидаги *Қиз ишсиз*, рус тилидаги *Девушка безработная*, тожик тилидаги *Духтар бекор аст* гапи эса юқоридаги ўзбек ва рус тилидаги гаплар билан конгруэнтлик ҳосил қилмайди. Ўзбек тилидаги *У ухлай олмаяпти*, рус тилидаги *Ему не спится* гапи билан конгруэнтлик ҳосил қила олмайди. Ўзбек ва рус тилидаги гаплар мазмунан тўғри келса-да, ўзбек тилидаги гап икки таркибли, рус тилидагиси эса бир таркибли гапдир.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, конгруэнтлик ҳодисаси тил қурилишининг барча сатҳларида учраши билан бир қаторда, конгруэнтлик даражаси нуқтаи назаридан ҳам фарқланади. Яъни, биз тўлиқ конгруэнтлик ҳамда қисман конгруэнтлик ҳодисаларини ажратишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Кашкин В.Б. Сопоставительная лингвистика (учебное пособие для вузов). – Воронеж, 2007.
2. Маҳмуд Н., Йаман Э. Туркча-ўзбекча, ўзбекча туркча луғат. – Т., 1993.
3. Одилов Ё. Сохта ўхшашлик ёки таржимоннинг ёлғончи дўстлари. // Тил ва адабиёт таълими. -2014, № 8.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -5 жилдлик. -3-жилд. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007.
5. Demiray K. Temel türkçe sözlük. – Istanbul, 1988.

(Тақризчи: С.Мўминов – филология фанлари доктори, профессор)